

ОТА ҚАДРДОН НЎЪМОНЖОН РАҲИМЖОНОВНИ ХОТИРЛАБ

**Абдусаттор Муминов,
Алишер Муминов,
Нозим Муминов**

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, филология фанлари доктори, профессор Нўъмонжон Раҳимжонов таваллуд тошганига 80 йил тўлди.

Нўъмонжон ака Раҳимжоновни адамиз Гаффор Муминовнинг ҳамкасби сифатида анча аввал таниган эдим. Кейинчалик бу муносабатлар нафақат бир институтда узоқ йиллар давомида биргаликда фаолият юритаётган одамлар, балки ҳамфикр инсонларнинг замонавий адабиётшунослик масалаларини кўп жиҳатлари юзасидан қарашлари бир-бирига мос тушиши ёки яқин бўлганлигини ҳам англадим.

Нўъмонжон ака Марказ-1 даги уйимизга тез-тез келиб турар, ада билан узоқ суҳбатлашар эдилар. Ниҳоятда мазмунли бўларди бу суҳбатлар. Уларнинг мулоқотларини, назаримда ака-уканинг суҳбатларига қиёс қилса бўлади. Биз ҳам Нўъмонжон акани ака сифатида билиб, акага бўлган ҳурматни қилар эдик.

Адамиз билан Нўъмонжон аканинг шундай ижодий ҳамкорлигининг самараси сифатида адабиётшуносликка оид кўплаб китоб, рисоалар, илмий материаллар, янгиликлар, мақолалар юзага келди.

Адамиз Гаффор Муминовнинг 2006 йилда нашр этилган “Изланишларимдан қатралар. Адабий-танқидий мақолалар” тўпламини тайёрлаш ва чоп этилиш жараёнида Нўъмонжон аканинг Тошкент катта халқа йўлинингташқарисида “Лимонарий” деб номланадиган маҳалладагиҳовлиларига кўп маротаба борганмиз. Нўъмонжон ака тўпламни қисм-қисм қилиб ўқиб ўз фикрлари ва мулоҳазаларини баён этиб берардилар. Ушбу суҳбат Нўъмонжон аканинг сўлим ҳовлиларида бўлиб ўтарди. Нўъмонжон ака боғда меҳнат қилишни яхши кўрардилар. Адамиз билан уйларига борганимизда кўпчилик ҳолларда боғда бирон-бир иш қилиб юрган бўлардилар. Қўлларида ток қайчи, елкаларида оқ чит рўмол, самимий кулгу билан кутиб олардилар. Ўша ҳовлида адамиз Нўъмонжон ака билан бирга ўтириб суҳбатлашишарди. Суҳбат тайёрланаётган тўплам борасида бўларди. Нўъмонжон ака ушбу тўпламни нашр этилишида масъул муҳаррир, ҳамда тўпламга “Қалб саҳовати” номли мақолалари билан кириш сўзи билан қатнашганлар.

Нўъмонжон аканинг адамизга бўлган ҳурматининг яна бир намунасини отамиз бандаликни бажо келтирган сўнг уларнинг хотираларига бағишланган китобни тўплаб, нашрга тайёрловчилардан бири бўлганлиги, унга “Хотиралар –

умр зийнати”, “Қалб саҳовати”, “Зиёли маънавияти. Фикри ёруғ олим”, “Илмий қизиқишлар миқёси” деб номланган тўртта мақола ёзиб берганлигида ҳам кўриш мумкин. Мақолаларнинг номланишининг ўзида Нўмонжон аканинг адамизга бўлган муносабатини тушуниш мумкин. Хотира китобини тайёрлашда Нўмонжон аканинг алоҳида хизматларини жумладан, мақолаларни тўплаб, уларни бирма-бир ўқиб чиқиб китоб ҳолатига келтирганликларини айтиш зарур.

Хотира китоби адамизнинг 80-йиллига арафасида, чоп этилди. Фанлар Академиясининг Тил ва адабиёт институтида шу санага бағишлаб конференция ўтказилди, ош берилди. Шундан кейин ҳам Нўмонжон ака билан алоқани узмадик. Улар фарзандларимиз тўйларида иштирок этдилар. Илмий фаолиятим, тайёрлаган мақолаларим юзасидан учрашиб, яхши маслаҳатлар олдим, кўпидан фойдаландим. Нўмонжон ака билан шу йўсинда учрашиб, ҳамкорликни давом эттирамиз деб ўйлаган эдим, афсус бевақт ўлим уларни қаторимиздан олиб кетди. Нўмонжон акадан яхши ном, ёрқин хотиралар ва албатта, ижодий мерос қолди.

Чамаси икки йиллар аввал Нўмонжон аканинг фарзандлари билан учрашиб қолдим. Улар менга адалари томонидан тайёрланган “Ўзбекистон адабиётшунослари” китобини тақдим қилди. Шу кунларда эса фарзандлар адаларига бағишлаб хотиралар китобини тайёрлашаётган экан, ишларини хайрли қилсин. Ниятлари ижобат бўлсин!

Нўмонжон аканинг илмга қилган хизматлари, атрофдагиларга берган меҳрлари охираатларини обод қилсин!